QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2025 yil «27» декабрь № ПҚ–393

2026–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишни янада жадаллаштириш, атроф-муҳитни асраш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва “яшил” иқтисодиёт тамойиллари асосида ҳудудларда, айниқса, маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш орқали аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун қулай муҳит яратиш мақсадида **қарор қиламан**:

I. Асосий мақсадлар

1. **2026 – 2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг** (кейинги ўринларда – Дастур) **асосий устувор йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) қурилиш объектларини лойиҳалашда **“яшил” технологияларни** кенг жорий қилиш, энергия самарадорлиги стандартлари ва ёндашувларига тўлиқ амал қилиш ҳамда **қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш**ни инобатга олиш;

(б) давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, бунда, биринчи навбатда, **бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг 3,4 триллион сўм маблағларидан самарали фойдаланиш**ни ташкил этиш;

(в) илғор хорижий тажриба асосида **аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг замонавий тизимини жорий этиш**;

(г) **илғор касбий маҳорат техникумлари** биноларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига **150 миллиард сўм** маблағ йўналтириш;

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

(д) ижтимоий соҳа объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва қўшимча қувват яратиш мақсадида **Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси** ҳисобидан **2 триллион сўм** маблағ ажратиш;

(ж) **умумтаълим мактабларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш** ишлари учун ажратилаётган маблағлар миқдорини **1,6 баробарга ошириш**;

(з) ҳудудларнинг **туризм салоҳиятини янада ошириш**, **хорижий ва маҳаллий сайёҳларга қулай шарт-шароитлар яратиш** мақсадида зарур инфратузилмани барпо этиш учун ажратиладиган маблағларни 1,7 баробарга ошириб, **700 миллиард сўмга етказиш**;

(и) иссиқлик таъминоти объектларининг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида **замонавий энергия тежамкор ускуналар ўрнатиш ишларига 70 миллиард сўм** маблағ йўналтириш;

(к) автомобиль йўлларида **пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш** мақсадида **100 миллиард сўм** маблағ ҳисобидан ерости пиёдалар йўлларини қуриш;

(л) вегетация даврида қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш имкони бўлмаган **ирригация тизими объектларида суғориш мавсуми бўлмаган** (новегетация) **даврда қурилиш-монтаж ишларини олиб боришни** молиялаштириш учун олдиндан **120 миллиард сўм** маблағ ажратиш;

(м) Дастур доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориладиган инфратузилма объектларида **ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқсиз муҳит яратиш**.

II. Дастурни тасдиқлаш ва унинг амалга оширилишини ташкил этиш

2. Дастур Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар таклифлари асосида, кенг жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

(а) 2026 – 2028 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари **1-илова**га мувофиқ;

(б) 2026 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида молиялаштириладиган йўналишларнинг асосий параметрлари **1а-илова**га мувофиқ;

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

(в) 2026 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ишга тушириш ва янги қувватлар ташкил этишнинг мақсадли кўрсаткичлари **2-илова**га мувофиқ;

(г) 2026 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатлар **3–16-иловалар**га мувофиқ;

(д) 2026 йилда махсус иқтисодий зоналар ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича объектларнинг манзилли рўйхати **17-илова**га мувофиқ;

(ж) 2026 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича манзилли рўйхат **18-илова**га мувофиқ;

(з) 2026 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати **19-илова**га мувофиқ;

(и) 2027 йилда амалга ошириладиган янгидан бошланувчи ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари (объектлари)нинг дастлабки манзилли рўйхати **20-илова**га мувофиқ;

(к) келгуси йилларда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар (объектлар)нинг манзилли рўйхати **21-илова**га мувофиқ;

(л) Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилишини самарали ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” **22-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бош вазир ўринбосари А.Раматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига Дастурнинг асосий параметрлари, мақсадли кўрсаткичлари ва манзилли рўйхатлари (кейинги ўринларда – Дастур параметрлари) ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини, ажратилган маблағлар мақсадли ҳамда самарали сарфланишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

5. Белгилансинки:

(а) Дастур доирасида янгидан бошланадиган объектларни лойиҳалаштиришда қурилишнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, замонавий стандартларни жорий этиш, жумладан, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан, экологик тоза ва энергия самарадорлиги юқори бўлган қурилиш материалларидан фойдаланиш инобатга олинмаган ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишга йўл қўйилмайди;

(б) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан янгидан бошланадиган объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилишда мазкур бандда келтирилган талабларга риоя этилишини таъминлаш чоралари кўрилади;

(в) Дастур доирасида фақатгина асосий капитални яратишга (шакллантиришга) йўналтирилган лойиҳалар қамраб олинади (ижтимоий соҳа объектларини мукаммал таъмирлаш, туризм инфратузилмасини яхшилаш, лойиҳа-қидирув ишлари ҳамда аввалги йиллар дастурлари доирасида амалга оширилган лойиҳалар бўйича кредитор қарздорликларни сўндириш бундан мустасно);

(г) Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари асосида Дастур параметрларига тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган қўшимча лойиҳалар (объектлар) киритилиши, амалга оширилмаган лойиҳалар (объектлар) чиқариб ташланиши, шунингдек, капитал қўйилмаларнинг буюртмачилар (ташаббускорлар) ўртасида қайта тақсимланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин. Бунда:

(i) тегишли йилда фойдаланишга топширилиши белгиланган қувватларнинг йўналишлар (соҳалар) кесимида камайтирилишига йўл қўйилмайди;

(ii) Дастур параметрларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимликларнинг асосланган таклифлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига биноан киритилади.

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари – буюртмачилар:

(а) **2026 йил 15 январга қадар** молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларининг календарь жадваллари билан узвий боғлиқ ҳолда 2026 йил учун йилдан йилга ўтувчи қурилиш объектларининг манзилли рўйхатини белгиланган тартибда тасдиқласин;

(б) **бир ой муддатда** 2026 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда давлат харидлари тартиб-таомилларини ўтказиш ва якуний натижалар бўйича аниқланган ғолиблар билан пудрат шартномаларини тузиш чораларини кўрсин;

(в) харид қилиш тартиб-таомиллари якунланганидан сўнг **бир ҳафта муддатда** 2026 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар)нинг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқласин;

(г) **2026 йил 15 февралга қадар** Дастур параметрларини бажариш, шу жумладан, лойиҳалар (объектлар) бўйича капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичларини чораклар кесимида тасдиқлаб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этсин. Бунда:

(i) **2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида** ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича йиллик режалаштирилган ўзлаштириш ҳажмларининг камида **40 фоизи**ни, шу жумладан, йилдан йилга ўтувчи лойиҳалар (объектлар) бўйича камида **50 фоизи**ни бажариш;

(ii) **2026 йилда** ишга тушириладиган таълим муассасалари объектларини – **1 сентябрга қадар**, иссиқлик таъминоти объектларини – **1 октябрга қадар**, соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар ҳамда бошқа объектларни – **1 декабрга қадар** фойдаланишга топшириш;

(iii) **ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 3-санасига қадар** Дастурдаги ҳар бир лойиҳа (объект)нинг прогноз кўрсаткичи ва Дастур параметрлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиб бориш назарда тутилсин.

7. Қуйидагилар:

(а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Дастурнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилишини ҳамда натижалари юзасидан **ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилишини;

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

(б) Вазирлар Маҳкамаси тегишли ҳисобот даври учун тақдим этилган Дастурнинг ижро ҳолати тўғрисидаги йиғма ҳисоботлар **ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар** Олий Мажлис палаталарига киритиб борилишини таъминласин.

III. Давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш

8. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ–454-сон қарори 4-банди “в” кичик банди билан лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича синов тариқасида жорий қилинган тартибни амалиётга тўлақонли жорий қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига асосан қурилиш ишлари лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айни бир вақтда амалга оширишга рухсат берилган муддатларга амал қилинмаган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилгунга қадар қурилиш ишларини бажариш ва молиялаштириш **қатъий тақиқлансин**.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2026 йил 1 январдан бошлаб** лойиҳа қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг олти минг баробаридан юқори бўлган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш лойиҳалари Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида қамраб олинади. Бунда:

(а) Дастурга киритилмаган янги қурилиш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш объектлари учун бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан харажатларни амалга ошириш тақиқланади;

(б) лойиҳаларни қисмларга бўлиш орқали амалга оширишга йўл қўйилмайди;

(в) бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш ишларини амалга оширишда лойиҳаларни бошқариш ва техник назорат хизматларига эга бўлган буюртмачи хизматини жалб қилиш мажбурий ҳисобланади.

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2026 йил 1 апрелга қадар** вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларида 2025 йил якуни билан шаклланган қолдиқ маблағларнинг **50 фоизини** ижтимоий соҳа объектларида қўшимча қувват яратиш ишлари учун йўналтириш чораларини кўрсин (мазкур қарорнинг 19-иловасида назарда тутилган объектлар учун ажратилган маблағлар бундан мустасно).

12. Қуйидагилар:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари – буюртмачилар мазкур қарорнинг 20-иловасига мувофиқ тасдиқланган 2027 йилда амалга ошириладиган янгидан бошланувчи лойиҳалар бўйича:

(i) **2026 йил 1 мартга қадар** лойиҳа ташкилотлари аниқланиши, **2026 йил 1 июлга қадар** лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва **2026 йил 1 августга қадар** белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

(ii) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 ноябрга қадар** “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида пудрат ташкилотларини аниқлаш учун тендер савдолари ўтказилишини ҳамда **2027 йил январь ойидан бошлаб** қурилиш ишларини бошлаш чораларини кўрсин;

(б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Дастур доирасида 2027 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар)нинг лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

(а) **2026 йил 1 июлга қадар** лойиҳалар (объектлар) доирасида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми ва фойдаланишга топширилган қувватлар бўйича Миллий статистика қўмитаси билан ахборот алмашинувини йўлга қўйсин;

(б) **2026 йил 1 сентябрга қадар** Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳа таклифларини **ишлаб чиқиш, фойдаланишга топшириш** ва **инвестициядан кейинги мониторинг** жараёнларини қамраб олувчи барча босқичлар рақамлаштирилишини таъминласин.

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш ва назорат

14. Бош вазир ўринбосари А.Раматов Дастурнинг амалга оширилиши юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун зарур чораларни кўриб борсин.

15. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (С. Самадов) қуйидагилар устидан тизимли назорат ўрнатсин:

(а) туман (шаҳар) ва ҳудудлар даражасида Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши, шу жумладан, ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, қурилиш-пудрат ишлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида сифатли бажарилиши жойига чиққан ҳолда ўрганилиши, харид қилиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши;

(б) консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириш манбаи аниқ бўлмаган, лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилинмасдан танланган лойиҳалар (объектлар) бўйича харажатлар амалга оширилмаслиги;

(в) танлов (тендер) савдолари ўтказилгандан сўнг тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш чекланиши;

(г) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига асосан қурилиш ишлари лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айни бир вақтда амалга оширишга рухсат берилган муддатларга амал қилмаган масъул шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланиши;

(д) Дастур доирасида 2026 йилда якунланиши назарда тутилган объектлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши.

16. Белгилаб қўйилсинки, Дастур доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга ошириладиган объектлар бўйича қурилишга рухсат бериш, тендер жараёнлари ва объектларни қабул қилиш билан боғлиқ ишларга қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларни бузган ҳолда ҳар қандай аралашишга йўл қўйилмайди.

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

(а) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига асосан Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилиши ёки Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган, бироқ Дастурда назарда тутилмаган лойиҳаларни хатловдан ўтказсин;

(б) 2026 йил 1 майга қадар ушбу лойиҳаларнинг устуворлигидан келиб чиқиб, уларни амалга ошириш муддатларини қайта кўриб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

20. Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–393-сон қарорига
1-илова

2026–2028 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

млрд сўм

Т/р	Маблағлардан фойдаланиш йўналишлари	2026 йил, режа	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:			2027 йил*	2028 йил*
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари		
	Жами	**23 900,0**	**18 500,0**	**2 000,0**	**3 400,0**	**25 000,0**	**31 250,0**
I	**Ижтимоий соҳалар, шу жумладан:**	**8 752,4**	**6 120,0**	**1 800,0**	**832,4**	**8 600,0**	**10 750,0**
1	Умумтаълим мактаблари	4 000,0	2 700,0	1 300,0		3 000,0	3 750,0
	шундан, жиҳозлаш	*400,0*	*400,0*			*420,0*	*525,0*
2	Ижод ва ихтисослашган мактаблар	300,0	250,0	50,0		400,0	500,0
3	Мактабгача таълим ташкилотлари	1 000,0	1 000,0			1 300,0	1 625,0
4	Соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар	1 750,0	1 750,0			2 000,0	2 500,0
	шу жумладан, Самарқанд вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели учун	*400,0*	*400,0*				
5	Олий таълим муассасалари	1 282,4	150,0	300,0	832,4	1 500,0	1 875,0
6	Спортни ривожлантириш объектлари	230,0	130,0	100,0		150,0	187,5
7	Маданият ва санъат объектлари	150,0	100,0	50,0		200,0	250,0
8	Илм-фан ва инновация объектлари	40,0	40,0			50,0	62,5
II	**Муҳандислик-коммуникация тармоқлари, шу жумладан:**	**2 000,0**	**1 900,0**	**100,0**		**2 600,0**	**3 250,0**
1	Сув таъминоти ва канализация	1 300,0	1 200,0	100,0		1 700,0	2 125,0
2	Иссиқлик таъминоти	700,0	700,0			900,0	1 125,0
III	**Йўл-транспорт инфратузилмаси, шу жумладан:**	**2 800,0**	**2 800,0**			**3 700,0**	**4 625,0**
1	Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар	2 700,0	2 700,0			3 500,0	4 375,0
	шу жумладан, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва сунъий иншоотлар учун	*200,0*	*200,0*				
2	Темир йўл транспорти ва метро	100,0	100,0			200,0	250,0

T/p	Маблағлардан фойдаланиш йўналишлари	2026 йил, режа	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:			2027 йил*	2028 йил*
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари		
IV	**Ирригация ва мелиорация, шу жумладан:**	**1 670,0**	**1 570,0**	**100,0**		**2 200,0**	**2 750,0**
1	Ирригация тармоқлари ва иншоотлари	1 500,0	1 400,0	100,0		2 000,0	2 500,0
2	Мелиорация тармоқлари ва иншоотлари	170,0	170,0			200,0	250,0
V	**Қирғоқ бўйи ва бошқа ҳимоя иншоотлари**	**160,0**	**160,0**			**200,0**	**250,0**
VI	**Махсус иқтисодий зоналар ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш**	**1 800,0**	**1 800,0**			**2 300,0**	**2 875,0**
VII	**Ҳудудий, маъмурий, муҳандислик-инфратузилма объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш**	**1 720,8**	**409,5**		**1 311,3**	**700,0**	**875,0**
VIII	**Мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар**	**1 466,8**	**210,5**		**1 256,3**	**300,0**	**375,0**
IX	**Ёпиқ қисм**	**2 000,0**	**2 000,0**			**2 500,0**	**3 125,0**
X	**Туризм объектлари инфратузилмасини яхшилаш**	**500,0**	**500,0**			**650,0**	**812,5**
XI	**"Янги Ўзбекистон" массивларида барпо этиладиган инфратузилма объектлари учун**	**400,0**	**400,0**			**500,0**	**625,0**
XII	**Бош режа, ҳудудларнинг архитектура-режалаштириш лойиҳалари ва бош схемаларини (АРЛ) ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳаларини (БРЛ) ишлаб чиқиш**	**200,0**	**200,0**			**300,0**	**375,0**
XIII	**"Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳаларини натижага йўналтирилган дастурли молиялаштириш (PForR) асосида амалга ошириш учун**	**300,0**	**300,0**			**300,0**	**375,0**
XIV	**Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга оширишни биргаликда молиялаштириш**	**30,0**	**30,0**				
XVI	**Кредитор қарздорликлар ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 740-сон қарори асосида талаб этиладиган қўшимча маблағлар учун**	**100,0**	**100,0**			**150,0**	**187,5**

*) 2027–2028 йиллар учун мақсадли мўлжалларга Ўзбекистон Республикаси республика бюджети параметрларини шакллантиришда аниқлик киритилади.

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–393-сон қарорига
1а-илова

2026 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш доирасида молиялаштириладиган йўналишларнинг асосий параметрлари

млрд сўм

Т/р	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	Жами	**23 900,0**	**18 500,0**	**2 000,0**	**3 400,0**
	шу жумладан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	16316,1	11 097,2	1 842,7	3 376,2
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	842,2	794,5	23,8	23,9
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун	447,3	413,8	33,5	
	Махсус техника, ускуналар ва жиҳозлар учун	902,8	902,8		
	Туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш	500,0	500,0		
	Йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш	300,0	300,0		
	"Янги Ўзбекистон" ва уй жой массивларида барпо этиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини яхшилаш*	1191,7	1 191,7		
	Жадал комплекс ривожлантириш режалаштирилган туман ва шаҳарларнинг туризм салоҳиятини ошириш ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун	200,0	200,0		

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳаларнинг Ўзбекистондаги улуши	250,0	250,0		
	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва ерости пиёдалар йўлакларини қуриш (ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш)	100,0	100,0		
	Каналларни суғориш мавсуми бўлмаган даврда реконструкция қилиш учун аванс маблағлари	120,0	20,0	100,0	
	Туристик-рекриацион зоналарни муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун	200,0	200,0		
	Ёпиқ қисм	2000,0	2 000,0		
	Бош режа, ҳудудларнинг архитектура-режалаштириш лойиҳалари ва бош схемаларини (АРЛ) ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳаларини (БРЛ) ишлаб чиқиш	200,0	200,0		
	Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга оширишни биргаликда молиялаштириш	30,0	30,0		
	"Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳаларини натижага йўналтирилган дастурли молиялаштириш (PForR) асосида амалга ошириш учун	300,0	300,0		
1	**Умумтаълим мактаблари**	**4 000,0**	**2 700,0**	**1 300,0**	
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	3287,8	1 987,8	1 300,0	
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	113,6	113,6**		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	98,6	98,6**		
	Жиҳозлар ва ускуналар харид қилиш*	400,0	400,0		
	Мактабларнинг санитария-гигиена инфратузилмасини яхшилаш*	100,0	100,0		

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
2	**Ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар**	**300,0**	**250,0**	**50,0**	
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	285,8	235,8	50,0	
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	10,0	10,0**		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	4,2	4,2**		
3	**Мактабгача таълим ташкилотлари**	**1000,0**	**1 000,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	830,8	830,8		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	42,3	42,3**		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	26,9	26,9**		
	Жиҳозлар ва ускуналар харид қилиш*	100,0	100,0		
4	**Соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар**	**1750,0**	**1 750,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	1042,5	1 042,5		
	шу жумладан, Самарқанд вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели учун	*400,0*	*400,0*		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	40,7	40,7		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	53,2	53,2		
	Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг кредитор қарздорликларини қоплаш учун	3,2	3,2		
	Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун	10,5	10,5		
	Жиҳозлар ва ускуналар харид қилиш*	200,0	200,0		
5	**Олий таълим муассасалари**	**1 265,4**	**150,0**	**300,0**	**815,4**
	шундан:				

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	1219,8	150,0	266,5	803,3
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	32,1		20,0	12,1
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	13,5		13,5	
6	**Спортни ривожлантириш объектлари**	**230,0**	**130,0**	**100,0**	
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	219,7	119,7	100,0	
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	7,7	7,7		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	2,6	2,6		
7	**Маданият ва санъат объектлари**	**150,0**	**100,0**	**50,0**	
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	126,2	100,0	26,2	
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	3,8		3,8	
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	20,0		20,0	
8	**Илм-фан ва инновация объектлари**	**40,0**	**40,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	28,3	28,3		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	2,8	2,8		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	1,1	1,1		
	Жиҳозлар ва ускуналар харид қилиш*	7,8	7,8		
9	**Сув таъминоти ва канализация**	**1300,0**	**1 200,0**	**100,0**	
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	938,0	898,0	40,0	
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	100,0	100,0		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	25,0	25,0		
	Махсус техника ва сув ҳисоблаш ускуналарини харид қилиш*	75,0	75,0		

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	"Янги Ўзбекистон" массивлари ҳамда янгидан бошланадиган йирик сув таъминоти ва канализация лойиҳалари учун*	102,0	102,0		
	Давлат ижтимоий буюртма лойиҳалари асосида аҳоли яшаш пунктини тоза ичимлик сув билан таъминлаш*	60,0		60,0	
10	**Иссиқлик таъминоти**	**700,0**	**700,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	551,0	551,0		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	35,0	35,0		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	15,0	15,0		
	Энергия тежовчи ускуналарни ўрнатиш*	70,0	70,0		
	"Янги Ўзбекистон" массивлари ҳамда янгидан бошланадиган йирик иссиқлик таъминоти лойиҳалари учун*	29,0	29,0		
11	**Автомобиль йўллари ва кўприклар**	**2717,0**	**2 700,0**		**17,0**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	1877,0	1 860,0		17,0
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	50,0	50,0		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	30,0	30,0		
	Махсус техника ва ускуналарни харид қилиш ҳамда уларни рақамлаштириш*	50,0	50,0		
	"Янги Ўзбекистон" массивлари ҳамда янгидан бошланадиган йирик автомобиль йўллари ва кўприклар лойиҳалари учун*	150,0	150,0		
	Жадал комплекс ривожлантириш режалаштирилган туман ва шаҳарларнинг туризм салоҳиятини ошириш ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун*	200,0	200,0		
	Цемент-бетон қопламали ички хўжалик автомобиль йўлларини қуриш*	10,0	10,0		

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш*	50,0	50,0		
	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва ерости пиёдалар йўлакларини қуриш (ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш)*	100,0	100,0		
	Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг Ўзбекистондаги улуши*	200,0	200,0		
12	**Темир йўл транспорти ва метро**	**100,0**	**100,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	40,5	40,5		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	59,5	59,5		
13	**Ирригация тармоқлари ва иншоотлари**	**1500,0**	**1 400,0**	**100,0**	
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	1293,2	1 293,2		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	44,5	44,5		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	25,9	25,9		
	Каналларни суғориш мавсуми бўлмаган даврда реконструкция қилиш учун аванс маблағлари*	120,0	20,0	100,0	
	Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларнинг давлат бюджети қисми учун кредитор қарздорликларни қоплаш	9,0	9,0		
	Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларнинг давлат бюджети қисми учун келгуси йилларга лойиҳа-қидирув ишлари учун*	5,0	5,0		
	"Амударё" ҲСХБ объектлари учун кредитор қарздорликларни қоплаш	1,0	1,0		

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	"Амударё" ҲСХБ объектлари учун келгуси йилларга лойиҳа-қидирув ишларига*	1,4	1,4		
14	**Мелиорация тармоқлари ва иншоотлари**	**170,0**	**170,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	163,8	163,8		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	3,4	3,4		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	2,7	2,7		
15	**Қирғоқ бўйи ва бошқа ҳимоя иншоотлари**	**160,0**	**160,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	153,3	153,3		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	6,7	6,7		
16	**Махсус иқтисодий ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш**	**1800,0**	**1 800,0**		
	шу жумладан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	1155,0	1 155,0		
	Тайёр чарм-пойабзал, мўйна ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун*	25,0	25,0		
	Тўқимачилик саноатини ривожлантириш инвестиция лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш учун*	30,0	30,0		
	Йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш*	300,0	300,0		

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	Туристик-рекреацион зоналарни муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун*	200,0	200,0		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	70,0	70,0		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	20,0	20,0		
17	**Ҳудудий, муҳандислик-инфратузилма, шунингдек, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш**	**1690,4**	**379,1**		**1 311,3**
	шу жумладан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	1566,6	267,0		1 299,6
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун жами	79,5	67,8		11,8
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун жами	44,4	44,4		
	шундан:				
	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	**76,0**	**76,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	48,0	48,0		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	2,6	2,6		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	25,4	25,4		
	Ўзбекистон Бадиий академияси	**66,0**	**66,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	56,0	56,0		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	10,0	10,0**		
	Ташқи ишлар вазирлиги	**118,3**	**118,3**		
	шундан:				
	Ўзбекистон Республикасининг Абу-Даби шаҳридаги элчихонаси бинолари мажмуасини қуриш ва жиҳозлаш	64,3	64,3		

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	Ўзбекистон Республикасининг Москва шаҳридаги элчихонасининг тураржой биносини реконструкция қилиш	39,0	39,0		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	14,1	14,1**		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	1,0	1,0		
	Адлия вазирлиги ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги	**70,0**	**22,0**		**48,0**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	68,0	20,0		48,0
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	1,0	1,0		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	1,1	1,1		
	Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси	**76,5**	**5,5**		**71,0**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	74,0	3,0		71,0
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	1,5	1,5		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	1,0	1,0		
	Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги	**17,0**	**17,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	15,0	15,0		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	1,0	1,0		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	1,0	1,0		
	Гидрометеорология хизмати агентлиги	**62,9**	**62,9**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	21,8	21,8		

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	40,7	40,7**		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	0,4	0,4		
	Адлия вазирлиги	**25,7**			**25,7**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	25,7			25,7
	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	**170,3**			**170,3**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	170,3			170,3
	Солиқ қўмитаси	**84,7**			**84,7**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	84,7			84,7
	Божхона қўмитаси	**778,0**			**778,0**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	766,3			766,3
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	11,8			11,8
	Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги	**133,6**			**133,6**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	133,6			133,6
	Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси	**11,0**	**11,0**		
	шундан:				
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	6,5	6,49		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	4,5	4,5		

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	**0,5**	**0,5**		
	шундан:				
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	0,5	0,5		
18	**Мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар**	**1466,8**	**210,5**		**1 256,3**
	шу жумладан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	1422,6	166,3		1 256,3
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун жами	27,3	27,3		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун жами	16,9	16,9		
	шундан:				
	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	**65,0**	**65,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	56,0	56,0		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	5,0	5,0**		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	4,0	4,0		
	Бош прокуратура	**95,1**	**82,6**		**12,5**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	88,2	75,7		12,5
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	5,5	5,5**		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	1,4	1,4		
	Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси	**33,2**	**33,2**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	30,0	30,0		
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	2,3	2,3		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	1,0	1,0		
	Олий суд	**1196,9**	**23,9**		**1 173,0**
	шундан:				

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

Т/р	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	1177,6	4,6		1 173,0
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	8,9	8,9		
	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	10,5	10,5**		
	Ички ишлар вазирлиги	**76,5**	**5,7**		**70,8**
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	70,8			70,8
	Кредитор қарздорликларни қоплаш учун	5,7	5,7		
19	**Туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш**	**500,0**	**500,0**		
	шундан:				
	Қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш учун	344,0	344,0		
	Туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмалари учун*	156,0	156,0		
20	**"Янги Ўзбекистон" ва уй жой массивларида барпо этиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари учун**	**400,0**	**400,0**		
	шундан:				
	Электр таъминоти объектларини қуриш	270,0	270,0		
	"Янги Ўзбекистон" ва уй жой массивларида барпо этиладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини яхшилаш*	130,0	130,0		
21	**Ёпиқ қисм***	**2000,0**	**2 000,0**		
22	**Бош режа, ҳудудларнинг архитектура-режалаштириш лойиҳалари ва бош схемаларини (АРЛ) ҳамда батафсил режалаштириш лойиҳаларини (БРЛ) ишлаб чиқиш**	**200,0**	**200,0**		
23	**Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга оширишни биргаликда молиялаштириш***	**30,0**	**30,0**		

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Соҳалар номи	2026 йил учун лимит	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
			Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
24	Келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишлари учун*	30,4	30,4**		
25	"Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳаларини натижага йўналтирилган дастурли молиялаштириш (PForR) асосида амалга ошириш учун*	300,0	300,0		
26	Кредитор қарздорликлар ва Вазирлар Маҳкамасининг 740-сонли қарори асосида талаб этиладиган қўшимча маблағлар учун*	100,0	100,0		

* объектларнинг манзилли рўйхатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва (ёки) фармойишлари асосида тасдиқланади.

** Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрларида назарда тутилган.

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабрдаги ПҚ–393-сон қарорига
2-илова

2026 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ишга тушириш ва янги қувватлар ташкил этишнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2026 йил учун режа	шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича:		
				Республика бюджети маблағлари	Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари
	I. Ижтимоий соҳа объектлари					
1	Умумтаълим, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар	ўқув ўрни	221 445	135 280	86 165	
		спортзал	70	57	13	
	шу жумладан:					
1.1	*Умумтаълим мактаблари*	*ўқув ўрни*	*217 553*	132 060	85 493	
		спортзал	*62*	51	11	
1.2	*Ижод ва ихтисослашган мактаблар*	ўқув ўрни	*3 892*	3 220	672	
		спортзал	*8*	6	2	
2	Мактабгача таълим ташкилотлари	ўрин	19 950	19 950		
3	Соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар	ўрин	4 957	4 957		
		қатнов	10 340	10 340		
4	Олий таълим муассасалари	ўқув ўрни	38 005	2 000	9 505	26 500
		ётоқ ўрни	4 680	1 600	1 900	1 180
5	Спортни ривожлантириш объектлари	объект	12	12		
6	Маданият ва санъат	объект	6	6		
7	Илм-фан ва инновация объектлари	объект	2	2		
	II. Инфратузилма объектлари					
8	Ичимлик суви таъминоти ва канализация тармоқлари	км	1 698,0	1 698,0		
		объект	93	93		
9	Иссиқлик таъминоти объектлари	км	301,6	302		
		объект	25	25		
10	Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар	км	284	284		
		пм	3 508	3 508		
11	Ирригация тармоқлари ва иншоотлари	канал, км	671,3	671,3		
		лоток, км	32,7	32,7		
12	Мелиорация тармоқлари ва иншоотлари	коллектор, км	249,1	249,1		
		ЁЁД, км	78,7	78,7		

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 27 декабр даги ПҚ–393-сон қарорига
3-илова

2026 йилда Қорақалпоғистон Республикасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

млн сўм

Т/р	Лойиҳа сони	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Шундан, 2026 йилда фойдаланишга топшириладиган қувват	шу жумладан:			2026 йил учун лимит*	Дастурга киритиш учун асос
							Янги қурилиш	Реконструкция қилиш	Мукаммал таъмирлаш		
	58	**Жами**								**558 925,0**	
		шу жумладан:									
	26	**Ижтимоий соҳалар**								**237 750,0**	
		шу жумладан:									
	12	Умумтаълим мактаблари		ўқув ўрни	4180	4180	3300		880	79 953,6	
				спортзал (12x24)	5	5	5				
	8	Мактабгача таълим ташкилотлари		ўрин	750	750	750			71 096,4	
	3	Соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар		ўрин	242	242	242			47 600,0	
				объект	1	1	1				
		Олий таълим муассасалари		ўқув ўрни							
				ётоқ ўрни							
				объект							
	1	Спортни ривожлантириш объектлари		объект	1	1		1		29 000,0	
	2	Маданият ва санъат объектлари		ўрин						10 100,0	
	8	**Муҳандислик-коммуникация тармоқлари**								**45 930,0**	
		шу жумладан:									
	8	Сув таъминоти ва канализация		км	136,5	136,5	136,5			45 930,0	
				объект	6	6	4	2			
	4	**Йўл-транспорт инфратузилмаси**								**110 000,0**	
		шу жумладан:									
	4	Автомобиль йўллари ва кўприклар		км	30,0	19,0		19,0		110 000,0	
				пм	125,5	125,5		125,5			
	11	**Ирригация ва мелиорация**								**134 600,0**	
		шу жумладан:									
	7	Ирригация тармоқлари ва иншоотлари		канал, км	44,0	44,0		44,0		116 650,0	
				дамба, км	0,3	0,3		0,3			
				ГТИ, дона	1	1		1			
				м3/сек	1 250,0	1 250,0	1 250,0				
	4	Мелиорация тармоқлари ва иншоотлари		коллектор, км	40,0	40,0		40,0		17 950,0	
				ГТИ, дона	3	3	3				
	3	**Ҳудудий, мудандислик-инфратузилма, алоҳида муҳим ва тамфаланган объектлар**		**объект**	**2**	**2**	**1**	**1**		**9 750,0**	
		шу жумладан:									
	2	Гидрометеорология хизмати агентлиги		объект	1	1		1		9 250,0	
	1	Ўрмон хўжалиги агентлиги		объект	1	1	1			500,0	
	6	**Мудофаа ва қонунни муҳофаза қилувчи органлар**		**объект**	**6**	**6**	**2**	**4**		**20 895,0**	
		шу жумладан:									
	2	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги		объект	2	2	2			11 400,0	
	2	Бош прокуратура		объект	2	2		2		4 000,0	
	2	Бош прокуратура қузуридаги Мамбурий икро бюроси		объект	2	2		2		5 495,0	
		шундан:									

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Лойиҳа сони	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Шундан, 2026 йилда фойдаланишга топшириладиган қувват	шу жумладан:			2026 йил учун лимит*	Дастурга киритиш учун асос
							Янги қурилиш	Реконструкция қилиш	Мукаммал таъмирлаш		
	12	**Умумтаълим мактаблари** (Буюртмачи: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши)		**ўқув ўрни**	**4 180**	**4 180**	**3 300**		**880**	**79 953,6**	
				спортзал (12х24)	5	5	5				
	1	**Янги қурилиш**		**ўқув ўрни**	**660**	**660**	**660**			**17 500,0**	
				спортзал (12х24)	1	1	1				
1	1	Элликқалъа тумани "Янги Ўзбекистон" массиви ҳудудида янги умумтаълим мактабини қуриш	2026 йил	ўқув ўрни	660	660	660			17 500,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
				спортзал (12х24)	1	1	1				
	10	**Реконструкция қилиш**		**ўқув ўрни**	**3 200**	**3 200**	**2 640**		**560**	**57 973,6**	
				спортзал (12х24)	4	4	4				
2	1	Амударё тумани "Қумёл" МФЙдаги 29-сон мактабни реконструкция қилиш (мавжуд 320 ўринли бино ўрнида 480 ўринли ўқув бино қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	480	480	480			9 337,6	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
				спортзал (12х24)	1	1	1				
3	2	Амударё тумани "Дарё бўйи" МФЙдаги 65-сон мактабни реконструкция қилиш (қўшимча 300 ўринли ўқув бино қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	380	380	300		80	8 280,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
				спортзал (12х24)	1	1	1				
4	3	Беруний тумани "Бийбазар" ОФЙдаги 37-сон мактабни реконструкция қилиш (қўшимча 360 ўринли ўқув бино қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	680	680	360		320	9 952,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
5	4	Беруний тумани "Қизилқалъа" ОФЙдаги 18-сон мактабни реконструкция қилиш (спортзал қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	160	160			160	4 840,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
				спортзал (12х24)	1	1	1				
6	5	Нукус тумани "Ахмангит" ОФЙдаги 21-сон мактабни реконструкция қилиш (қўшимча 300 ўринли ўқув бино қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	300	300	300			4 560,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
7	6	Қўнғирот тумани "Елабад" ОФЙдаги 11-сон мактабни реконструкция қилиш (мавжуд 330 ўринли бино ўрнида 330 ўринли ўқув бино қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	330	330	330			5 016,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
8	7	Тўрткўл тумани "Нурли Уялибек" МФЙдаги 32-сон мактабни реконструкция қилиш (қўшимча 330 ўринли ўқув бино қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	330	330	330			5 016,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
9	8	Тўрткўл тумани "Тозабоғёп" ОФЙдаги 25-сон мактабни реконструкция қилиш (мавжуд 100 ўринли бино ўрнида 120 ўринли ўқув бино қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	120	120	120			4 424,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
				спортзал (12х24)	1	1	1				
10	9	Тўрткўл тумани "Машал" МФЙдаги 55-сон мактабни реконструкция қилиш (қўшимча 240 ўринли ўқув бино қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	240	240	240			3 648,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
11	10	Қўнғирот тумани "Қиёт" ОФЙдаги 18-сон мактабни реконструкция қилиш (қўшимча 180 ўринли ўқув бино қуриш)	2026 йил	ўқув ўрни	180	180	180			2 900,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
	1	**Мукаммал таъмирлаш**		**ўқув ўрни**	**320**	**320**			**320**	**4 480,0**	
12	1	Қораўзак тумани "Қоябоқ" ОФЙли 3-сон мактабни мукаммал таъмирлаш	2026 йил	ўқув ўрни	320	320			320	4 480,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори

QMMB: 07/25/393/1234-son
29.12.2025-y.

T/p	Лойиҳа сони	Объект номи ва манзили	Амалга ошириш муддати	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Шундан, 2026 йилда фойдаланишга топшириладиган қувват	шу жумладан:			2026 йил учун лимит*	Дастурга киритиш учун асос
							Янги қурилиш	Реконструкция қилиш	Мукаммал таъмирлаш		
	8	**Мактабгача таълим ташкилотлари** (Буюртмачи: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши)		**ўрин**	**750**	**750**	**750**			**71 096,4**	
	8	**Янгидан бошланувчи**			**750,0**	**750,0**	**750,0**			**71 096,4**	
	4	**Янги қурилиш**		**ўрин**	**240**	**240**	**240**			**48 000,0**	
13	1	Шуманай тумани "Ақжап" ОФЙ ҳудудида янги мактабгача таълим ташкилоти қуриш	2026 йил	ўрин	90	90	90			4 500,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
14	2	Кегейли тумани "Нўкўзак" ОФЙ ҳудудида янги мактабгача таълим ташкилоти қуриш	2026 йил	ўрин	90	90	90			4 500,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
15	3	Нукус тумани "Деҳқон арна" ОФЙ ҳудудида янги мактабгача таълим ташкилоти қуриш	2026 йил	ўрин	60	60	60			3 000,0	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг 2025 йил 24 июлдаги 299-сон қарори
16	4	Нукус шаҳрида "Янги авлод" мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш	2026 йил	объект	1	1	1			35 000,0	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 9 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқ (49-сон банд)
	4	**Реконструкция қилиш**		**ўрин**	**510**	**510**	**510**			**23 096,4**	
